

## Қалбингиз Аллоҳнинг зикри билан банд бўлсин!



14:27 / 09.11.2018 5238

Аввало, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сизни ҳар онда кузатиб турганини англаб етинг. Сўнгра, ҳар қандай вазиятда – юрганингизда, ўтирганингизда ёки кундалик юмушлар билан банд бўлганингизда юрагингиз “Аллоҳ! Аллоҳ! Аллоҳ!”, деб чақираётганини ҳис қилинг! Қалбингизга эътибор беринг ва у Аллоҳга юзланган эканлигига ишонч ҳосил қилинг.

Қўлларингиз ишда бўлса ҳам, қалбингиз Аллоҳнинг зикри билан банд бўлсин. Бутун кунингиз давомида шу изҳорни мақсад деб билинг, яъни “Дил ба ёру, даст ба кор” – дилингиз Аллоҳда, қўлингиз меҳнатда бўлсин! Бизнинг буюк машойихларимиз ғафлат ва бепарволикда ўтказилган бир лаҳзани куфр ҳолатида ўтказилган вақт, деб ҳисоблаш кераклигини айтганлар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони каримда оқил инсонларнинг

белгиларини қуйидагича тасвирлайди: **“Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиганлар...”** (Аъроф сураси, 191-оят).